



Руза Баллиева

Қорақалпоқ давлат университети,
тарих фанларининг доктори, профессор

E-mail: rozaballieva584@gmail.com



Байрамбай Даулетмуратов

Қорақалпоқ давлат университети,
ассистент ўқитувчи

E-mail: b.j.dauletmuratov@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17648977>

ҚОРАҚАЛПОҚЛАРНИНГ КАБРИСТОНЛАРИ ВА УНДАГИ МУАММОЛАР.

Аннотация: Мақолада қорақалпоқларнинг қабристонлари, уларнинг ҳар турли номланиши ва қабристонларнинг жой ўринларининг белгилашдаги асосий омиллар очиб берилган. Қабристонларнинг узок ўтмиши ва уларга қўйилган белгиларга тўхталиб ўтилган. Қабристонларнинг ҳолатининг сиёсий тузум билан боғлиқ ўзгаришлари ва ҳозирги вақтда давлатимиз томонидан қабристонларга бўлган эътиборнинг ўзгариши натижасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги ва шунга қарамай,

Қорақалпоғистондаги қабристонларда бир қанча муаммолар мавжуд эканлиги кўрсатилиб ўтилади.

Калит сўзлар: Қабристон, мазор, "мозорчилик," "авлиё", бешик тош, қўй тош, сағана, қулфи тош, жингил (уйчик).

Кириш. Қабристон - марҳумлар дафн этиладиган махсус жой ҳисобланади. Қабристонлардаги дафн маросими, тартиб-қоидалар, ўша ҳудудда яшовчи аҳоли, дин, мазҳаб, жамоатчилик гуруҳи, шунингдек, маъмурий органлар томонидан белгиланган бошқарув қоидалари асосида бажарилади. Ўзбекистон ҳудудида қабристонларга қадимдан алоҳида эътибор берилган. Қабристонлар кўпинча баланд жойларда, эски шаҳар ёки машҳур, таниқли кишилар дафн қилинган хилхоналар атрофида бўлган. [1:36.] Қорақалпоқ қабристонларининг тарихи узок даврларга бориб тақалиб, қабристонлар, яъни дафн этиш жойлари янги тош (неолит) давридан маълум бўлиб, ўша даврлардан бошлаб марҳумларнинг қабрларига турли ёдгорликлар, белгилар ўрнатилган. Маҳаллий аҳоли уларни қулфи тош, қўй тош, бешик тош ва ҳ.к. турларга бўлади. "Оба" Қорақалпоғистонда ислом меъморчилиги ҳисобланган, қабр усти иншоотлари – мазорлар меъморчилиги ҳисобланади. Мазорларнинг номлари кўпинча афсонавий ёки ҳақиқий тарихий шахсларнинг номлари ёки ўзлари жойлашган ҳудуднинг номи ва уруғларнинг номлари билан боғлиқ бўлган. Асрлар давомида юз берган сиёсий ўзгаришлар давомида қабристонларнинг ҳолати ўзгариб турди ва муаммолар келиб чиқди.

Асосий қисм. Қорақалпоғистонда 477 та қабристон маълум бўлиб, шундан 24 таси зиёратгоҳлар ҳисобланади. Марҳумлар дафн этиладиган махсус жойларга қабристон номидан ташқари, қорақалпоқ тилида "мозорчилик," "авлиё" атамалари ҳам қўлланилади. "Қабристонлик" деб қабр бошига қурилган уйни ҳам, қабристонни ҳам англатган. "Авлиё" маъноси эса биринчидан "қароматли инсон," "кўз очувчи" деган тушунчани билдирса; иккинчидан, "зиёратгоҳ" ("авлиёхона") ва тарихий жойлар, асосан қабристонларни англатади.

Қорақалпоқ қабристонларининг ўрнини белгилашда бир неча омиллар таъсир кўрсатган.

Биринчидан, қабристон ўрнининг табиий географик ҳолати.

Оролбўйи ҳудудининг иқлими кескин континентал ва қуруқ бўлиб, бу метеорологик кўрсаткичларнинг кунлик ва йиллик ўзгаришларида яққол намоён бўлади. Қурғоқчилик ёғингарчиликнинг жуда кам миқдори ва ёз мавсумида ҳавонинг жуда қуруқлиги билан тавсифланади. Текисликда ёғин миқдори 100 мм дан ошмайди. Бу ҳудудга қишда об-ҳавонинг беқарорлиги, ёзда эса нисбатан барқарорлиги хос. Йилнинг совуқ даврида об-ҳавонинг беқарорлиги ва шу даврда ёғингарчиликнинг асосий қисми ёғиши, ҳудудда қишда циклоник ҳаракатнинг кенг ривожланиши билан изоҳланади. Ёзда эса асосий атмосфера жараёни кучли қизиган чўл кенгликлари устида ҳаво массаларининг ўзгариши бўлиб, доимий иссиқ ва қуруқ об-ҳавони шакллантиради. Ҳудуднинг текис ер юзаси бўлишига қарамай, унинг иқлим шароитлари бир хил эмас. Бу ҳолатда ер юзасининг хусусиятлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Агар сувсиз Қорақалпоқ Устюрти ва Қизилқум чўлига иқлимнинг кескин континенталлиги хос бўлса, сувга ва ўсимликларга бой катта Амударё дельтаси устидаги иқлим анча юмшоқ ва нам бўлган. Демак қуруқ об-ҳаво ёз ойларида бўлса, йилнинг қолган фаслларида ўзгарувчан намлик босим бўлиб келади. Бу кам миқдордаги ҳаво намлиги, қумлоқ, енгил қумли, шўрхоқ ерлар бўлганлиги учун ер ботқоқланиб, одамларнинг ҳаракати учун ноқулай ҳисобланади, яъни тупроқ қатлами устидан арава йўллари - арава транспорти, яъни от ёки эшак каби ҳайвонлар ҳаракатга келтириладиган транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўлларнинг атмосфера намлиги натижасида ноқулайлик туғдиради. Оролбўйи ҳудудида уч фасл қиш, баҳор, куз ойларида атмосфера намлиги юқори даражада бўлиши йўлларнинг ўтиш ноқулайлигини келтириб чиқарган.

Бундай ҳолатда одамлар транспортсиз мурдани қўлда кўтариб боришга мажбур бўлган. Қишлоқлар орасидаги масофанинг узоқлиги фақат ўша уруғ учун ўз қабристонини яратишга сабаб бўлган.

Иккинчидан, қорақалпоқлар, арис ўн тўрт уруғ ва арис қўнғирот бўлиб икки арисга бўлинади. Бу ўз навбатида юздан ортиқ уруғларга, уруғлар тираларга бўлинади. Ҳар бир уруғнинг ўзининг ҳудудий жойлашуви билан бошқа уруғлардан ажралиб турган. Ҳар бир уруғнинг кенг майдондаги ерлари, яйловлари ва ўзлари катта каналлардан ёриб олган "арик"лари бўлган. Қишлоқ одамлари бир уруғдан бўлганлиги учун, "уруғдош қариндошмиз", деб ҳисоблаб, ака-ука, опа-сингил бўлиб, эркаклар аёлларга қизим, опам, синглим деб ҳурмат кўрсатган. Уруғдошлар ўзаро қиз олиб, қиз беришмаган. Шу қариндошлик муносабат уруғлар орасидаги бир-бирига ҳурмат, қадрдон, меҳрибон муносабатда бўлиб, шу қишлоқдан бир одам вафот этса, фақат бир оиланинг қайғуси эмас, шу қишлоқнинг қайғуси деб ҳисоблаган. Одам ўлган хонадоннинг аъзолари қабр бошига зиёрат қилиб қолмай, қишлоқ бўйлаб ўлган одамнинг қабрини зиёрат қиладиган бўлган. Шунинг учун, қишлоқ қабристони уруғ қишлоғининг ҳудудида жойлашганлиги қишлоқ аҳолиси учун муҳим бўлган;

Учинчидан, диний нуқтаи назардан ота-боболар руҳини ҳурмат қилиш билан боғлиқ ва қариндошларнинг суякларини узоққа олиб бормай, ҳар ким ўз қишлоғининг авлиёси ёнига дафн этиши керак деган тартиб жорий этилган.

Қорақалпоғистонда қабристонларнинг тарихи узоқ даврларга бориб тақалиб, қабристонлар яъни дафн этиш жойлари янги тош (неолит) давридан, яъни милoddан аввалги IV - III минг йилликлардан маълум. Бунга Қўнғирот тумани ҳудудида жойлашган Қасқа йўл қабристонидан очилган ёдгорликни мисол келтириш мумкин. Бу ёдгорликни яни қабрни текшириб кўрганда, унинг шимоли-ғарбдан жануби-шарққа қараб тўғри тўртбурчак чуқур қилиб қазилганлиги, унга марҳум билан бирга унинг қурол-яроғлари, зеб-зийнат буюмлари

кўмилганлиги аниқланди. "Калтаминор маданияти" деб аталган бу даврга оид шундай қабристонлар Сарикамиш кўли атрофларида, яъни Устюртдаги Қорақудуқ ва Оқтумшуқ қабристонларини айтиш мумкин. Бронза даврига оид қабристонлар, ўлкамизнинг жанубий томонида, қадимги Оқча дарё бўйида яшаган қабилаларнинг ёдгорликларидан маълум. Улар орасида Тўрткўл тумани ҳудудида жойлашган Кўкча қабристони бўлиб, бу ерда аксарият ҳолларда марҳумлар турмуш ўртоғи билан дафн этилган. [2:56.]

Милоддан аввалги бир мингинчи йилларда Жанубий Оролбўйида зардуштийлик диний анъаналарининг ҳукмронлик қилганлиги фанда маълум. Зардуштийлик концепцияси бу бутун жонсизларнинг "ифлослиги" - "наслиги" ҳақидаги таълимот, яъни жонсиз мурдаларни кароматли мавжудотлар ердан, оловдан, сувдан ва ҳаводан ажратишдир.

Зардуштийлик анъанасига хос алоҳида нарса ўлик дафн этиш анъаналари. Ўликларнинг гўштини суякдан тозалаш учун уларни махсус дахмаларга жойлаштиришган. Бу ерда қарға-қузғунлар ва итлар томонидан гўштидан тозаланган одам суяклари махсус ясалган идишларга солиб сақланган. Бу анъана зардуштийлик қоидаларига боғланган ва шартли белги сифатида қабул қилинган.

Шундай жойлардан бири Чилпиқ ёдгорлиги ҳисобланади. Доира шаклида қурилган Чилпиқ ёдгорлиги Нукус-Беруний автойўлининг бўйида, Нукусдан 43км жанубда, Амударёнинг ўнг қирғоғида, баландлиги 35-40м бўлган табиий тепалик устида қурилган. Чилпиқнинг диаметри 65-79 м. дан иборат бўлиб, деворларининг баландлиги 15м атрофида, мил.авв. II-IV асрларда зардуштийлик дини бўйича дахма сифатида қурилган ва фойдаланилган.

Бундан ташқари, Жўмарт қассоб ёдгорлиги II-III асрларга оид дахма вазифасини бажарганлигини курсатади. Яъни бу ўринда ҳам, зардуштийлик диний анъаналарига хос марҳумлар суягини этдан тозалайдиган жойни дахма деб аташган. [3: 96-101б]

Қабр устига қадим замонлардан сағана - том қуриш анъаналари ҳам маълум. Сағана - тошдан, лой пахсадан, хом ва пишган гиштлардан доира ва тўрт бурчакли қўрғон қилиб қуриладиган бўлган. Жанубий Оролбўйида бундай сағана-томларнинг қурилиши тарихи XI - XIV асрлардан бошлаб маълум. Масалан, Миздахкан мажмуасида IX асрдан бошлаб марҳумларни мусулмон анъаналарига хос дахма қилиш билан бирга, мурдаларнинг 3,5,7,9 нафаргача шундай сағаналар ичида қўйилган. Тўрт бурчаги бошқа томонларига қараганда кўтарилиб, минорага ўхшаш қилиб ишланганлиги учун, кейинги даврларда сағана - томларни "тўрт қулоқ" деб ҳам аташади.[2:216]

Сағана билан бир қаторда марҳумларнинг қабрларига турли ёдгорликлар, белгилар ўрнатилган. Маҳаллий аҳоли уларни қулфи тош, қўй тош, бешик тош ва ҳ.к. турларга бўлади. Агарда тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Осиёда бундай қулфи тошларнинг милодий VII-VIII асрларидан маълум эканлигини кўрамиз. Қорақалпоғистон ҳудудида бундай қулфи тошлар қадим замонлардан бошлаб ўрнатилган. Шу кунгача XVI-XIX асрларда ўрнатилган қулфи тошлар сақланиб қолган. [2:226.]

Қорақалпоғистонда қулфи тошлар кўп учрайдиган қабристонлар Тўқпақ ота Мўйноқ туманида, Балиқчи, Ўткилбой, Довуд ота, Бола авлиё, Берниёз эшон қабристонлари Устюрт платосида жойлашган. Қўнғирот туманидаги анъанавий қулфи тошлар Аята, Галдигумбет, Қасқа йўл, Белеули, Қора, Текебай, Кетен қабристонларида учрайди. Амударёнинг қуйи томонида қулфи тошлар сийрак учрайди. Хўжайлида Мазлумхон сулулда, Кегейли туманида Шиблий ота қабристони, Қораўзак туманида Бағдод, Мурод шайх, Қобокли ота қабристонларида учрайди. [4:571б.] Қулфи тошлар қўйиш билан боғлиқ бўлган урф-одатлар қорақалпоқларнинг қадимги эътиқоди бўлиб, ота-боболар руҳига ишониш асосида пайдо бўлган. Шунингдек, қулфи тош марҳумга тегишли биографик маълумотларни қолдириш учун ҳам фойдаланилган.

Қўй тошлар Қорақалпоғистон ҳудудида Устюртда Қўш кудук, Жарин кудук қўналғасида. Қўнғирот туманида Довуд ота, Балиқчи қабристонларида учрайди.

Қорақалпоқларнинг диний эътиқодлари бўйича қўй муқаддас, қароматли мол, уни азоблашга, улоқ ўйинига бериш мумкин эмас. Агар улоқ ўйинига қўй берилса, ўйинга иштирокчиларнинг бири майиб бўлади деганга ўхшаган тушунчалар кўп бўлган. Фарзандсиз ва касал одамлар садақага қўй сўядиган бўлган. [4:575б.]

Бешик тош - бешик шаклидаги тош. Бешик тошлар Қўнғирот тумани Балиқчи (XVIII-XIX асрлар), Белеули (XI-XVIII асрлар), Довуд ота (XVIII-XIX асрлар), Бола авлиё (IX-XVI асрлар), Хўжайли тумани Миздахкан (XIV-XVIII асрлар) даги қабристонларнинг ҳудудларидаги болалар қабрлари устида учрайди.[4:576б.]

Бешик тош маҳаллий аҳоли эътиқодида боланинг "жон маскани" ҳисобланади. Шунинг учун, қорақалпоқлар бешикка муқаддас нарсасифатида қарайди. Бешик очиқ осмон остида қолдирмайди, бўш бешикни тебратмайди.

"Оба" - Жанубий Орол бўйида ўрта асрларда яшаган ярим кўчманчи ва кўчманчи халқларнинг марҳумларни дафн этиш анъаналарида обаларнинг бўлганлигини кўриш мумкин. Бу қадимги турк ва мўғул қавмларида кенг фойдаланилган анъана. У асосан ўз юртидан ташқарида вафот этган ботирлар шарафига, баландлиги 3-5 метр минора шаклида, тошдан қалъа қилиб қурилган ёдгорлик иншоот ҳисобланади. Унга йилнинг маълум бир вақтларида келиб мол сўйиб, қон чиқарган, сиғинган. XIII асрда Орол бўйида Европа сайёҳи Германия Рубрик шундай мазорларга сиғинаётган зиёратчиларни қўнғиротлар мамлакатада кўрганини ёзиб қолдирган. [2:23б.]

Қорақалпоғистонда ислом меъморчилиги ҳисобланган, қабр усти меъморчилиги - мазорлар ҳисобланади. Ўлкамизда XVIII - XX аср бошларида мазорлари яхши сақланган бўлиб, қорақалпоқ тилида мазор тушунчаси қабр деган маънони англатади.[5:256б.] 1908-1909 йиллардаги архив ҳужжатларида вилоят бўйича ва Амударё бўлими

бўйича мазорларнинг рўйхати келтирилган. Улар орасида қуйидаги мазорларнинг номлари учрайди: Султон-Увайс бобо, Норинжон бобо, Кечирмас бобо, Мискин-Сеид бобо ва ҳ.к. Шўраҳон участкасида, шунингдек, Шайх Жалил бобо, Қусхона ота (ҳозирги Нукус шаҳридаги Қусхона орол), Умар хўжа, Аллаберди Азиз бобо, Байшамбар қизи (Пайғамбар қизи), Қорақум ва ҳ.к. [6:4176.]

Мазорларнинг номлари кўпинча афсонавий ёки ҳақиқий тарихий шахсларнинг номлари билан боғлиқ. Баъзи мазорлар ўзлари жойлашган жойнинг номига мос келса (масалан, Читли авлиё, Қорақум, Желвон ва бошқалар), мазор номларининг яна бир тури, уруғларнинг номлари билан боғлиқ (масалан, Анна хўжа, Қорасирок, Қаршиғали ва бошқалар).

Қорақалпоқ тилида дафн этиш жойининг этимологияси қабри марҳумнинг ёки унинг руҳининг макони сифатидаги тушунчаларни акс эттиради. Шунга кўра, қабр усти иншоотларининг номи уй, макон маъносини англатувчи "уй," "уйча" сўзлари билан айтилади.

Айрим тадқиқотчилар қорақалпоқларнинг қабр усти биноларининг қуйидаги шартли шакллари ажратиб кўрсатади:

1) жинғил (уйчик), у шохлардан ишланган чанач ёки кепашаклидаги қурилма; пахса деворлар;

2) гумбаз - гумбазли мақбара;

3) сағана (кичик ер усти найзасимон арка шаклида) [6:4186.]

Ислом дини кириб келгандан сўнг Оролбўйи қорақалпоқлари қабристонлари ва қабр қазилар усуллари ҳам ўзгаришга учраган. Қабристонлар Ўрта Осиёнинг бошқа халқларидаги каби Қорақалпоғистон фуқароларининг зиёрат учун борадиган асосий табаррук муқаддас жойи ҳисобланган. Жумладан, машҳур Ҳаким ота-Хожа Сулаймон Боқирғоний қабристони зиёратгоҳи, Тўқмоқ ота қабристони, Қорақум эшон қабристони, Шибиллий ота қабристони, Охун бобо қабристони зиёратгоҳ, Салмен эшон қабристони, Қовоқли ота қабристони, Аллаберди Азизлар бобо қабристони зиёратгоҳи.

Биз таъкидлаган қабристонлар Қорақалпоғистондаги машҳур зиёратгоҳлар ҳисобланади. Лекин советлар ҳукмронлиги йилларига келиб "атеистик пропаганда" асосида қабристонларга эътибор пасайди ҳаттоки, уларни молхона, ўғит омборхоналарига айлантирилди. Катта шаҳарларда қабристонлар, мотам маросимлари ҳам "сиёсийлаштирилди," "коммунистлар қабристони" "фуқаролик жанозаси" янгича "коммунистча" дафн, яъни мусиқа, марҳумни очик тобутга қўйиб хайрлашиш, қабристонга митинг, гулчамбарлар қўйиш ва ҳ.к. кабилар жорий этилиб, ўзбек, қорақалпоқ халқларига хос бўлмаган одатлар кириб келди. Ташқаридан биздаги азалий қадриятларни йўқотиш мақсадида кўпол тарзда анъаналаримизга зид бўлган маросимларни бажаришга мажбур этилди.

Натижада қабристонлар обод бўлиш ўрнига харобаларга айланиб, уларнинг ёнидаги тиловатхона, масжидлар қаровсиз қолди, талон-тарож қилинди ва ҳатто (масжидлар) бузиб ташланди. Бундай мустамлакачилик сиёсати туфайли халқимизнинг анъанавий қадриятларига сезиларли даражада зарар етказилди, моддий ва маданий бойликлар ташиб кетилди.

Мустақиллик йилларида қабристонларга бўлган муносабат ўзгариб, бир қанча дафн этиш тартиблари ўрнатилди. Шунга қарамасдан ҳозирги вақтда кўплаб ижтимоий муаммолар қаторида қабристонларни сақлашни ташкил этиш масаласи ҳам кўтарилмоқда.

Қабристонларни сақлашда асосий роль давлат ҳокимиятларининг туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларига бириктирилган бўлиб, улар марҳумларни дафн этишни, қабристонларни ободонлаштиришни амалга оширадilar, шунингдек дафн этиш масалалари билан боғлиқ хизматларни кўрсатадилар. Қабристонларни сақлаш ва ободонлаштириш учун юридик шахслар ва фуқароларнинг хайрияларидан ҳам фойдаланилади. Қабристонларни ободонлаштириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмагида ҳам амалга оширилиши мумкин. Мозорлар ҳудудларини ободонлаштириш элементларига қуйидагилар:

1. Мозорлар ҳудудларини кўриқлаш;

2. Қабристонларга ҳудудлар, яшил ўсимликлар, ўтиш йўллари, хиёбонлар, йўллар ва йўлаклар, хўжалик бинолари, маъмурий бинолар ва ёрдамчи бинолар, муҳандислик сув тармоқлари ва бошқалар киради.

Дафн маросими марҳумнинг сўнгги истагини инобатга олган ҳолда, санитария, бошқа норма ва қоидаларга зид бўлмаган урф-одат ва анъаналарга мувофиқ ўтказилади. Дафн этиш марҳумни ерга (қабр ёки саҳнага) кўмиш йўли билан амалга оширилади. Марҳумни дафн этиш эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки марҳумнинг қонуний вакили, бундай шахслар бўлмаган тақдирда, дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олган бошқа шахснинг аризаси бўйича амалга оширилади.

Мазкур хизматлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги 101-сонли қарори талаблари асосида фаолият юритади.

Қабул қилинган қарор ва янги ўрнатилган тартиб-қоидаларга қарамай, қабристонларимизда жуда кўп муаммолар мавжуд. Улар қаторига қабр усти иншоотлари киради.

Қорақалпоғистондаги қабристонлар "жим-жит шаҳарлар"га ўхшаб кетади десак янглишмаймиз. Қайғу, дард, йўқотиш ҳислари одамларни ўзларининг у дунёга кетган қариндош-уруғларига катта, баланд мозорлар қуришга ундайди.

Шу сабабли қабристонларга борганимизда, ўлгандан кейин ҳам ижтимоий тенгсизликни кўриш мумкин. Мармар, гранит ва бошқа материаллардан қурилган қабристонларни қурувчиларнинг бутун бригадалари барпо этади. Бугунги кунда баланд қабр усти биноларини қуриш кенгайганлиги катта қабристонларда кичик посёлкаларни эслатади. Унинг майдони эса ортиб бормоқда. Сарой шаклидаги мақбаралар, мармар ёки гранит юзалар, ажойиб шаклга эга ёдгорликлар бу ерда жуда оддий қабрлар билан бир қаторда жойлашган.

Гумбазлар, ярим ойлар, томлар, қабр тошлари, равоқлар, дизайн

ишлаб чиқиш кўплаб учрамоқда ва мазор ёнидан келгуси ўлик учун катта майдондаги ерларнинг қуршалиб банд қилинган. Катта ёшдагилар вафот этганида масалан катта ёшдаги ёшулли ўлганида кампири "чолимнинг ёнидан жой қолдиринглар, мен ҳам яқинда бораман", деган гаплар айтганлар. Бу тушинари ва айб эмасди, лекин катта майдондаги ерларнинг қуршаб олинганлиги ҳеч бир мантиққа тўғри келмайди.

Айрим маълумот берувчиларнинг фикрича, "Нариги дунёга кетганларнинг сўнгги макони оддий ва тартибли бўлиши керак, қимматбаҳо қабрлар қуриш шарт эмас. Тўғри яқин одамимиз дунёдан ўтганда, унинг учун барча яхшилигимизни қилгимиз келади. Лекин бир неча одамни дафн этишда қатнашган одам сифатида айтишим мумкинки, қабристонларда одамларнинг ижтимоий тенгсизлиги кўринмаслиги керак. Мен буни нотўғри деб ҳисоблайман" деб айтган ахборотчи Рамин Медетов [9:].


Шу қаторда маълумот берувчи диний идора ходими Рамин Медетов ўз фикрини бизларга билдирди: "Динимизда баланд бинолар қуриш тақиқлангани айtilган бўлса-да, кўпчилик қабр устига бир-биримиздан қоламизми деб катта бинолар қуради. Қабр бошига катта бинолар қуриш, исрофгарчилик, қабрдагиларга ёмғир ва бошқа шунга ўхшаш қабр азобларини енгиллаштирувчи нарсалардан тўсиш ҳисобланади." [10:]

"Қуръонда исрофгарчилик, ҳаддан ошиш тақиқланган бир оят бор, бу арабчада "исроф" деб айtilади. Шариатда, "Қуръони каримда" бундай ишлар тақиқланган, маъқулланмаган. Биз бунга қарши курашишга ҳаракат қиляпмиз. Лекин одамларнинг ҳаммаси ҳам қоида, шариат бўйича яшамайди. Ҳаммани шариат бўйича яшашга мажбурлай ҳам олмаймиз, буни қилишга ҳаққимиз ҳам йўқ. Биз демократик дунёвий давлатда яшаяпмиз. Ҳар ким танлаш ҳуқуқига эга." [10:]

Албатта, бу ҳокимият ва жамоатчилик томонидан кўриб чиқилиб, ўз ечимини топиши керак бўлган масалалардан бири.

Яна бир муаммо - бу қабристонларни ободонлаштириш масаласи. Айни пайтда, шаҳарларимизда дам олиш масканлари, майдонлар, йўл бўйларида жуда гўзал ободонлаштириш ишлари олиб боришда ва бу ўз натижасини бермоқда. Бу ишларга ободонлаштириш муассасалари раҳбарлик қилмоқда. Лекин муқаддас қадамжо ҳисобланган аксарият қабристонларимизнинг ачинарли аҳволи эътиборсизлик билан қолиб кетмоқда.

Қабристонларни ободонлаштириш нафақат эстетика масаласи, балки марҳумларга ҳурмат-эҳтиром белгисидир. Бугунги кунда Қорақалпоғистондаги кўпчилик қабристонларнинг ташқи ва ички кўринишлари ачинарли кўринишда. Бу ерда мусулмонлар идораси ҳудудий бўлими ва ободонлаштириш муассасаси биргаликда иш олиб бориши керак. Тадқиқот давомида қабристонларни ободонлаштириш бўйича ўтказилган сўровномаларда қабристонларнинг ҳолати жуда ночорлиги, ободонлаштириш, бадий ва тартиб қоидаларини режалаштириш ечимларига бўлган ёндашувни қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади.



Қорақалпоғистон Республикаси ободонлаштириш бошқармаси маълумотларига кўра, мамлакатдаги қабристонларнинг қарийб 80 фоизи қаровсиз ҳолатда деб келтиради. Бундай қабристонларга таъмирлаш ва сақлаш учун бюджетдан маблағлар ажратилиш даражаси паст бўлиши шу ҳолатни келтириб чиқаради.[11:]

Юқорида келтирилган 2011 йилда қабул қилинган "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Ўзбекистонда қабристонларни тартибга солувчи норматив база, дафн этиш соҳасини тартибга солувчи қонун асосида дафн этиш, қабристонлар ва дафн этишларнинг ягона реестрини жорий этиш ва қабристонларни ободонлаштириш назарда тутилган. [12:] Афсуски, бу чора-тадбирлар кейинга сурилиб келяпти.

Бу муаммолар қаторига лойиҳалаш ва ободонлаштириш ишларининг ташкилий тартиби йўлга қўйилмаганлигидан келиб чиқмоқда. Буларга: қабристонларга зиёрат қилиш учун келадиган зиёратчиларга қулайликлар яратиш бўйича чоралар олиб борилмаганлиги, яъни масжидда намоз ўқиш учун бино, тиловатхона, таҳоратхона, ҳожатхоналарнинг йўқлиги, жамоат жойлари, хиёбонлар, дам олиш жойларида ўрнатиладиган доимий ўриндиқлар, келувчиларнинг дам олиши учун сояли бостирмаларда кўчма стол ва стуллар, супаларнинг йўқлиги, узокдан келадиган зиёратчилар учун масжид чойхонасининг ташкил этилмаганлиги ва яна бошқа инсон учун қулай шароитларнинг яратилмаганлиги қабристонларимизнинг ачинарли ҳолатда эканлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ва тавсиялар. Умумий қабристонга кираверишда қабристон режаси тушган харита, бу харитада қабристоннинг асосий зоналари, бино ва иншоотлар, йўлаклар ва қабристон секторлари белгиланиб, уларнинг рақамлари берилиши, бино ва иншоотлар, жамоат ҳожатхоналарининг ва таҳоратхоналарнинг жойлашув кўрсаткичлари ва йўналишлари кўрсатилиши керак.

Мотам маросимларида, марҳумларнинг туғилган ва вафот этган кунларида оила аъзолари ва марҳумнинг бошқа яқинлари уларни хотирлаб, марҳумнинг қабрини зиёрат қилиб, марҳумнинг руҳига

дуолар ўқишга келганда қабристонларнинг бу ҳолати зиёратчиларнинг қайғусига қайғу қўшмаган бўлар эди.

Хулоса қилиш мумкинки, марҳумни дафн этиш билан боғлиқ анъаналар сақланиб қолганига қарамай, марҳумни дафн этиш билан боғлиқ анъаналар XXI асрда ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар таъсири остида сезиларли ўзгаришларга учраган. Оролбўйи қорақалпоқларининг мотам маросимлари тизимининг ўзига хос жиҳати шундаки, улар ислом дини анъаналарига мувофиқ бажарилсада, бироқ маросимлар ўз ичига исломгача бўлган анъана ва қарашларнинг қолдиқларини ҳам жамлагани кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, "Қ" ҳарфи. 2004. – Б. 3
2. Хожаниязов Г., Юсупов О. Қарақалпақстандағы мухаддес орынлар. Нукус: Полиграф, 1994.
3. Ҳәкимниязов Ж. Зороастрийские памятники южного приаралья. Халықаралық түркі академиясы. «Уллы дала» 1 – гуманитар илимлер форумы. 2016
4. Отчет отдела Этнологии и истории религии 1986-90 года КК филиала АН Узбекистана. С. - 571
5. Қарақалпақ тилинің түсіндірме сөзлігі. IV том. – Нөкіс: Қарақалпақстан, 1992. Б.- 256
6. Қарлыбаев М. Мазары как мемориальные памятники Каракалпакстана XVIII – начала XX вв. //Историческая этнология. 2022. Т.7, №3
7. Ҳәкимниязов Ж., Сейтбаев И., Исметов Р.Қарақалпақстан аймағындағы зыярат орынлары. Нукус: «Билим», 2023.
8. Насриддинов Қ. XIX аср охири - XX асрнинг 80-йилларида ўзбекларнинг анъанавий дафн маросимлари. Тар. фан. номз. дисс.— Тошкент.: 1995
9. Дала ёзувлари. №41 2023 й. Медетов Рамин, Нукус шаҳри Ободонлаштириш бошқармаси, Шўрша шаҳар қабристони қоровули.

10. Дала ёзувлари. №55 2023 й. Қорақалпоғистон Мўйноқ тумани Тўқпақ ота ҳудуди имоми Тлеубаев Рахимжон

11. Дала ёзувлари. №32 2023 й. Мухиллаев Бердибай, Нукус шаҳри Ободонлаштириш бошқармаси, Бошқарма бригадири.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги 101-сонли қарори талаблари

KARAKALPAK CEMETERIES AND THEIR PROBLEMS

Abstract: This article explores the distinctive features of Karakalpak cemeteries, their various names, and the main factors determining their locations. It sheds light on the long history of these burial grounds and the memorial markers erected within them. The article examines changes in the condition of cemeteries in relation to the political system, as well as numerous positive outcomes achieved recently due to increased state attention to cemeteries. Despite this, it is noted that several issues still persist in the cemeteries of Karakalpakstan.

Keywords: Cemetery, mazar (shrine), "ziyorat" (grave visitation), "avliyo" (saint), beshik-tash (cradle stone), koy-tash (ram's head-shaped gravestone), sagana, kulfi-tash (lock stone), jingil (tamarisk)

КАРАКАЛПАКСКИЕ КЛАДБИЩА И ИХ ПРОБЛЕМЫ

Аннотация: В статье раскрываются особенности кладбищ каракалпаков, их различные наименования и основные факторы, определяющие расположение кладбищ. Освещается давняя история кладбищ и установленные на них памятные знаки. Рассматриваются изменения состояния кладбищ, связанные с политическим строем, а также многочисленные положительные результаты, достигнутые в настоящее время благодаря усилению внимания государства к кладбищам. Несмотря на это, отмечается, что на кладбищах Каракалпакстана по-прежнему существует ряд проблем.

Ключевые слова: Кладбище, мазар, "зиёрат" (посещение могил), "авлиё" (святой), бешик-таш (камень-колыбель), кой-таш (надгробие в форме бараньей головы), сагана, кулфи-таш (замковый камень), жингил (тамариск)